

ERURSEN SHOH, AGAR OGHONSEN SEN, AGAR OGHONSEN SEN, SHONSEN SEN



Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AKBORTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz

xabar@uzpak.uz

orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2005-yil, 20-may, 20 (661)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратура-сида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. У Андижонда одамлар ўлимига сабаб бўлган фожиали воқеаларга, улар юзасидан бошланган тергов ишларининг боришига бағишланди.

Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров қатнашчиларга олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

◆ **Пойтахтимиздаги** "Ўзэкспомарказ"да 9-Халқаро "Нефт ва газ" (OGU-2005) кургазмаси ва илмий-технавий анжуман ўтказилди. Анжуманда "Марказий ва Шарқий Осиё хавзалари геодинамикаси ва углеводород салоҳияти" ҳамда "Замонавий технологиялар: табиий газдан синтетик ёнилғи олиш иқтисодиёти ва истиқболлари" мавзусида олим ва мутахассислар маъруза қилдилар.

◆ **Навоий вилоятида** истеъдодли ёшларнинг билимларини янада мустаҳкамлаш, қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш мақсадида "Эврика-Loan" ўқув маркази ташкил этилди. Ўқув марказига Америка, Австралия, Жанубий Корея каби мамлакатларда бўлиб, республикамизда қўлланилиши мумкин бўлган илгор педагогик технологияларни ўрганиб қайтган ўқитувчилар жалб этилган.

◆ **Ўзбекистон Республикаси** Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясида "Талаба-ёшлар тадиқотларида солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг илмий асослари" мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларни энгиллаштириш, бюджет даромадларининг тўлиқ шакллантирилишига тўқсунлик қилаётган яширин даромад манбаларини қисқартириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

17-MAY — BUTUNJAHON TELEKOMMUNIKATSIYALAR KUNI



Морзе апаратыдан Интернетга...

17 май электралоқа соҳасига дахлдор дунёдаги барча инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Чунки бундан 140 йил муқдддам, яъни 1865 йилнинг 17 майида Парижда Халқаро Телеграф Иттифоқи (International Telegraph Union — ITU)га асос солинган. 1932 йилдан бу иттифок Халқаро Электралоқа Иттифоқи (International Telecommunications Union) номини олди.

Аслида телеграф алоқаси асрининг ибтидоси сифатида Самуэл Морзе биринчи бўлиб умумжа-мият эътиборига молик хабар жўнатган 1844 йил-нинг 24 майи тилга олинади. Бироқ телеграф алоқаси оммавий кўринишга келгунча орадан яна ўн йил ўтди. Шунинг ҳам эътибордан четда қолдирмас-лик лозимки, у пайтларда телеграф линиялари дав-

латлар чегараларидан ташқарига чиқмаган ва ҳар бир мамлакатда турли тизимлардан фойдаланилган. Шу боис хабарлар бошқа давлатлар ҳудудига ю-борилишидан олдин қайта ишловдан ўтказилган, улар-га шартли белгилар қўйилиб мослаштирилгандан сўнггина кўшни мамлакат телеграф тармоғи орқали ретрансляция қилинган.

Охир-оқибат ортқича меҳнат ва сарф-харажат талаб қиладиган, жуда суст ишлайдиган тизимдан воз кечиш ҳамда ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш учун бир қатор давлатларнинг алоқа соҳа-си маъмуллари зарур чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқа бошлашди. Аммо масаланинг ечимини топишга ҳар бир томон ўз миллий манфаатлари-дан келиб чиқиб ёндашгани туфайли кўп-ла битимлар тузишга тўғри келган. Масалан, Пруссияда бошқа немис давлатлари билан алоқа ўрнатиш учун камида ўн бешта битим имзоланган. Шунга қарамадан 1864 йилга келиб тузилган умумий ҳудудий битимлар сони бир нечтага етганди.

(Давоми 2-бетда).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазириликлар, идоралар, компаниялар, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари ишти-рок этди.

Республикада ахборотлашти-ришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш борасидаги қатор янги ҳужжатлар муҳома-да қилинди. Мувофиқлаштирувчи кен-гаш қарори билан Ўзбекистон Рес-публикаси ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси, теле-коммуникация ва маълумот уза-тиш миллий тармоғини ривожлан-тириш, давлат бошқарувида АКТ-ни жорий этиш, электрон тижорат-ни йўлга қўйиш борасидаги дасту-рлар ҳамда Сирдарё вилоятида 2010 йилгача бўлган даврда элек-трон тижоратни ривожлантириш ва ахборот технологияларини жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастур тасдиқланди.

Ахборотлаштириш ва маълумотлар уза-тиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида Ўзбеки-стон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс-си, Жиноят ва Жиноят-процессу-ал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғ-лиқ "Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлашнинг бориши тўғриси-даги масала кўриб чиқилди. Қо-нун лойиҳаси маъқулланди ҳамда манфаатдор давлат органлари билан келишиш учун асос сифа-тида тавсия этилди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2002 йил, 6 июндаги "Ком-пютерлаштиришни янада ривож-лантириш ва ахборот-коммуника-ция технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги қарорининг бажарилиши юзасидан Меҳнат ва аҳолини ик-тимий муҳофаза қилиш вазири-лиги, Ҳудудларни ташкил этиш ва бошқаруш агентлигининг ах-боротлари тингланди. Уларга дав-лат ахборот ресурслари ва тизим-ларини тақомиллаштириш бора-сидаги ишларни янада кучайти-риш тавсия этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлиги, "Ўзинфоком" маркази ҳамда Ёш дастурчилар-ни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказига Интернет тармоғининг миллий сегменти ресурслар ба-засини Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти, маданияти, санъати, тари-хи, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар тараққиётининг асосий жиҳатларини ёритувчи иктимой аҳамиятга молик ахборот билан, айниқса, давлат тилида тўндриш ва бойитишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чи-қиш топширилди.

ЎЗА



Морзе аппаратида Интернетгача...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Нихоят, телеграф тармоқларининг шиддат билан кенгайиб боришига мутаносиб равишда Европа давлатлари раҳбарлари халқро алоқани қамраб олувчи тизимни ривожлантириш мақсадида бир тўтамга келиш учун Парижда учрашув ўтказишди. Улар ҳамкорликда қурилмаларни стандартлаштиришнинг умумий қоидаларини ва ишга туширишга доир ўхшаш қўлланмалар қабул қилишди, халқаро тариф ва ҳисоб-китоб қоидаларини ўрнатишди. Энг асосийси, 20 давлат вакиллари томонидан биринчи Халқаро телеграф битими имзоланди ва Халқаро Телеграф Иттифоқи (Халқаро Электралоқа Иттифоқи — ХЭИ)га асос солинди.


Замонавий глобаллашув жараёнларида шиддат билан ривожланиб бораётган телекоммуникацияларнинг аҳамияти каттадир. Мисол учун, 1997 йилда жаҳон бўйича оддий телефон алоқасидан фойдаланувчилар сони 800 миллион кишини, уяли телефон алоқаси мижозлари тахминан 200 миллионни, Интернетдан фойдаланувчилар эса 100 миллион нафарни ташкил этган бўлса, 2005 йилда ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири 1 миллиарддан ортиши кутилмоқда.

ХЭИ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади. Унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. Электралоқанинг барча турлари (телеграф, телефон, радио, телевидение, уяли алоқа, Интернет ва бошқалар)дан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашиш иттифоқнинг асосий вазифасидир.

Ҳозирда 190та мамлакат Халқаро Электралоқа Иттифоқи аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон 1992 йилнинг 10 июлида мазкур халқаро ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинган.

ХЭИ Маъмурий кенгаши қарорига кўра, 17 май Халқаро электралоқа кўни сифатида 1969 йилдан буён нишонланиб келинади. Бу байрам 1865 йилда Парижда Бутунжаҳон телекоммуникациялари ҳамжамиятига асос солинishi шарафига таъсис этилган. Аънаана биноан бу кунда ҳар бир мамлакатда алоқа соҳасида охириги йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Бу йилги байрам ХЭИ қарорига кўра "Тенг имкониятларга асосланган ахборот жамиятини яратиш: ҳаракат фурсати етди" шiori остида ўтди.

Собит АҲАДОВ




"Сирдарё Телеком" филиали Ховос телекоммуникациялар боғламасининг Меҳнатобод участкаси электромонтёри Шукурулло ТОВБАЕВ Қахрамон кишлоғи ва Холмат Норчаев номидаги ширкат хўжалигидаги 300 нафарга ақин мижозга хизмат кўрсатади.

— Касбимиз сермашақат, — дейди у. — Аммо хонадон ва ташкилотлардаги телефонлар узлуксиз ишлаб тургани учун миннатдорчилик сўзларини эшитганда чарчогимизни ҳам унутамиз.

Шукурулло ТОВБАЕВ 1998 йилдан буён боғламада электромонтёр бўлиб ишлаб келмоқда. Телефон носозликларини ўз вақтида бартараф этатигани учун ҳам у одамлар олқишига сазовор бўлаётир.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ олган сурат

Ўз касбига меҳр-муҳаббат, чин инсоний фазилатлар киши номини улуғлайди, унга ҳурмат-эҳтиром, обрў-эътибор келтиради. Бундай шарафга лойиқ бўлган инсонлар ҳамкасблари ва шогирдлари қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, хотираларда иккинчи умрини давом эттиради. Бунга моҳир алоқачи Рўзимурод Латиповнинг сермазмун ҳаёти ва меҳнат фаолияти ёрқин мисол бўлади.



Рўзимурод аканинг иккинчи умри

Рўзимурод ака 1963 йилдан то 2001 йилгача Бухоро ва Навоий вилоятлари алоқа соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшди. У фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ ўз касбига талабчанлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турарди. Шу боис ҳам тез орада Вобкент тумани алоқа техникаларидан фойдаланиш тармоғида алоқачи-усталиқдан электромеханик, муҳандис, катта муҳандис ва бош муҳандисликка кўтарилди. 1980 йилга келиб эса ана шу тармоқ раҳбарлигига тайинланди. Шофиркон тумани алоқа корхонасида ҳам раҳбар бўлиб ишлади.

1982 йилда мамлакатимиз харитасида Навоий вилояти пайда бўлди. Янги вилоятда қисқа муддатда халқ хўжалигининг барча соҳалари сингари алоқа тармоғини ҳам намунали йўлга қўйиш зарур эди. Алоқа ходимлари, раҳбар ва мутахассислардан кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиш, бутун маҳоратни ишга солиш талаб этиларди. Рўзимурод Латиповнинг юксак малакали мутахассис, тажрибали ташкилотчи, талабчан раҳбар сифатида имкониятларини намоён этишида ана шу давр муҳим аҳамиятга эга бўлди дейиш мумкин.

Вилоятда қисқа давр ичйда телефон алоқа тармоғини ташкил этишда кўплаб ҳамкасблари сингари Рўзимурод ака ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, соҳанигина фидойисини эканлигини кўрсатди. Бу ҳақда унинг шогирдлари шундай эслайди:

— Навбахор тумани марказида Рўзимурод ака бошчилигида янги коммутаторни монтаж қилиб ишга тушириш учун бир кеча-кундуз ухламасдан ишлагандик, — дейди "Навоий Телеком" филиалининг электралоқа бўлими бошлиғи Рашид Каюмов. — У кишининг ҳатто хафта-лаб уйку нималигини билмасдан ишлаганига гувоҳ бўлганман. Устоз тўғрисида жуда кўп гапириш, ёзиш мумкин, у киши шунга муносиб...

— Устоз ёшларга катта умид билан қарарди, — дейди Навоий вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Худойкул Исқандаров. — 1977 йилда институтни тугаллаб, Рўзимурод ака бош муҳандис бўлиб ишлаётган Вобкент АТФТига ҳамкасб дўстим билан ишга келдик.

Ўшанда меҳнат таътилида бўлганига қарамасдан, биз билан танишиш, энг зарур участкаларга бириктириш, керакли маслаҳатлар бериш мақсадида ишга келгани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Рўзимурод ака билан 25 йил ёнма-ён туриб ишладим ва алоқа техникасининг жуда кўп сир-асрорларини ўргандим. Ишдан бўш пайтлари ҳам кўнги-рок қилиб, маслаҳат сўрасак, эринмасдан тушунтирарди. Мен бу ажойиб инсоннинг шогирди бўлганимдан фخرланаман.

— Рўзимурод Латипов билан илк бор 1982 йилда, олий ўқув юртини тугаллаб, энди иш бошлаган пайтимда, Бухорода ИКМ-15 аппаратурасини қўллаш бўйича ўтказилган ўқув-амалий семинарда учрашгандик, — дейди Агентликнинг Навоий вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Йўлдошмурод Жўлиев. — Ўшанда у киши менга алоқа соҳасида ишлаш жуда оғир ҳамда масъулиятли эканлигини, фақат матонатли, доимий равишда ўз устида ишлаган одамгина бунга эришади кетишини таъкидлаганди. Кейинчалик устознинг айтганлари нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Мураккаб алоқа техникасини ўзлаштиришда устозимдан кўп нарсаларни ўргандим.

— 1982 йилнинг 19 сентяб-рида Рўзимурод ака билан Навоий вилояти марказида бир кунда иш бошлаганмиз, — дейди "Навоий Телеком" филиали директори Бозорали Тўнгишбоев. — Ўшанда у киши вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси вазифасига, мен эса Навоий шахар алоқа корхонаси бош муҳандислигига тайинлангандим. 1992 йилдан почта ва электралоқа тизимлари алоҳида фаолият кўрсата бошлади. Ўшанда янгидан ташкил этилган Навоий давлат электралоқа корхонаси (ҳозирги "Навоий Телеком" филиали)да бирга ишладик. У кишининг юксак муҳандислик лаёқати айниқса 1997-1998 йилларда вилоят алоқа тизимини Япониянинг замонавий технологияси асосида қайта жиҳозлашда кўл келди. У хорижда тайёрланган дастурнинг муайян қисмларига маҳаллий шароитга мослаб, қайта ўзгартиришлар киритардик, бунга ўз

навбатиде япон мутахассислари ҳам тан беришган.

1998 йилда вилоятда Биллинг марказининг ташкил этилишида ҳам Рўзимурод аканинг бой тажрибаси ва юксак касб маҳорати иш берганди.

Едимда, "Ўзбектелеком" АК-нинг ўша даврдаги раҳбари Абдувоҳид Жўрабобоев Рўзимурод акани Қизилтепа саҳроси марказидаги Томди туманида қишнинг қорли кунда иш устида учратиб: — Бош муҳандисингиз иш деса ўзини аямайдиган инсон, ажойиб мутахассис экан. Бундай фидойи кишилар ҳар қанча қадрлашга муносиб, — деганди.

Қизилтепа телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси М.Ризаев, Зарафон шахар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи А.Абдурахмонов, Навбахор телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Е.Қосимов сингари шогирдлари ҳам у кишини фақат яхши хотиралар ила ёдга олишади.

Дарҳақиқат, Р.Латипов етук муҳандис-мутахассис, ташкилотчи-раҳбар бўлиш билан бир пайтда ибратли оила бошлиғи, меҳрибон ота ҳам эди. У фарзандларини ҳам ўзи каби эл-юрт иши учун камарбаста инсонлар қилиб тарбиялади. Ҳозирги кунда тўнғич ўғли, Файрат, Навоий вилояти ички ишлар бошқармасида масъул вазифада ишлаётти. Азиза, Зулфия, Суръат ва Юлдузлар эса ота касбини танлашган. Улар Тошкент, Навоий ва Зарафон шахарларидаги турли алоқа корхоналарида меҳнат қилишяпти.

Рўзимурод Латипов 2001 йилнинг баҳорида "Шаҳарлараро алоқа корхонаси"нинг Навоийда янгидан очилган 10-филиали директорлигига тайинланганди. Янги корхонанинг фаолиятини йўлга қўйишда бутун маҳорати ва тажрибасини ишга солди. Унинг эзгу ниятлари, орзу мақсадлари кўп эди. Лекин умри қисқа экан. Ҳаёт билан бевосита иш жойида, хизмат вазифасини бажараётган пайтда видо-лашти. Эндиликда унинг иккинчи умри шогирдларининг иши ва хотираларида, фарзандлар ва набираларининг ҳаёти ва қалбида давом этмоқда...

Олим ХўҲАЕВ
Навоий вилояти

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат алоқа инспекцияси томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши режасига асосан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қорақалпоқ филиалида режали текширув ўтказилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан Давлат алоқа инспекцияси ўртасида тузилган келишувга мувофиқ еттига, шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг фармойишига асосан учта туман почта алоқаси тармоғида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифати, улар учун зарур маълумотларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш жараёнида қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиниши юзасидан биргаликда ўрганишлар олиб борилди.

Хизматлар сифатли бўлсин

Почта алоқасида кўрсатилаётган хизматлар сифати олдинги йилларга нисбатан бирмунча яшилган бўлса-да, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Ўтказилган текшириш ва ўрганишлар шуни кўрсатдики, Кегейли, Мангит, Чимбой ва Нукус туманларининг қишлоқ жойларидagi почта алоқаси бўлимларидаги аксарият почта қўтиларининг техник ҳолатлари қоникарли даражада эмас, корхона ва филиал номлари ўзгарган бўлишига қарамай, пешла-вхалари ханузгача алмаштирилмаган.

Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш ҳам замон талаблари даражасида ташкил этилмаган. Хўжайли, Чимбой, Қораўзақ ва Нукус туманлари почта алоқаси тармоқларида йил давомида аҳолидан бирон-та ҳам телеграмма қабул қилинмаган, шахрлараро сўзлашувлар эса мавжуд 16та почта объектидан фақатгина Тўрткўл, Тахياتош ва Қанликўл почта алоқаси тармоқларида амалга оширилмоқда.

Кегейли, Чимбой, Ман-

гит ва Нукус почта алоқаси тармоқларига қарашли алоқа бўлимларида нонанъанавий хизматлар кўрсатилганини тасдиқловчи 47-шакл патта дафтаридан кўрсатилган хизматлар учун патта қирқиб берилишига эътибор қаратилмаган. Мажбурий тартибда фойдаланиладиган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан эса фақат Тахياتош ва Қанликўл почта алоқаси тармоқлари тўлиқ таъминланган. Бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 60-95 фоизни ташкил этади, холос. Шунингдек, Кегейли, Чимбой, Мангит почта алоқаси тармоқларида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифати даражаси ҳамда почта жўнатмаларининг назорат муддатига ўтишини аниқлаш мақсадида 125-шакл сўрвномаларни тарқатиш ишлари юқоридаги ўрганиб чиқилган тармоқлар орасидан фақатгина Тахтақўлпочта алоқаси тармоғида йўлга қўйилган.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш бўйича «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Қорақалпоқ филиали ишлаб чиққан чора-тадбирлар асосида бажарилган ишлар тўғрисида тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлиги ўрганилганда, жойларда бўлимга томонидан берилган кўрсатма ва таклифлар бўйича ижобий ишлар олиб борилаётганлиги аниқланди. Энг асосийси, почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари хизмат кўрсатиш сифатига эътиборни кучайтиришган.

Шу ўринда савол туғилади. Почта алоқаси соҳасида жойларда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, ютуқ ва камчиликларни ўз вақтида таҳлил қилиб, улардан тегишли хулосалар чиқариб бориш учун Давлат алоқа инспекциясининг доимий аралашуви – ўтказадиган текширув ёки ўрганиш натижалари асосида берадиган кўрсатма ва таклифлари зарурмикан? Буларсиз ишни яхшилашнинг имкони йўқми?!

Жойлардаги почта алоқаси раҳбарлари буни яхшироқ ўйлаб кўришса ва соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ишларини жадаллаштиришса, ижобий натижаларга эришилган бўларди.

Меригул ТАИПОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси ДАИ бошлиғи

Қасамёд қабул қилинди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасида 15 май куни бошланғич ҳарбий таълим дастурини яқунлаган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.



Унда бошқарма шахсий таркиби, аскарларнинг ота-оналари ҳамда Зангиота тумани фахрийлари қатнашдилар. Ҳарбий қасамёд аскарларни ўз халқи ва Президентига содиқ бўлишига қорлаб, Конституция ва қонуんларга қатъий риоя қилиш, жанговар шайлиқни ҳамда ўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш заруратини чуқур англаб олишларига катта ёрдам беради.

Тадбир сўнггида барча қатнашчилар байрам дастурхонига таклиф этилди.

Ўз мухбиримиз

ORAMIZDAGI ODAMLAR

Терак тўғри ўсса...

Бу воқеага қарийб йигирма йилча бўлди. Лекин Музаффарнинг ёдидан ҳеч ҳам чиқмайди.

Хуллас, бундай бўлганди... Бобо ака сезгир одам. Фарзандларидаги озгина ўзгаришни дарров пайқайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Эшикдан кирган Музаффарнинг ўйчан қиёфаси унинг эътиборини тортиди.

— Бугун бошқача кўринасан, ўғлим? Ё битта-яримта билан...

— Йўғ-ей, ота, бугун катталаримиз менга «Фарҳод» алоқа бўлимини бошқариб тур», дейишди. Йўқ деганимга кўнишмади.

Бобо ака анча фурсат хаёлга толди. Шу топда кўнглидан қандай ўйлар кечди, ёлғиз ўзига аён. Анчадан сўнг ўғлига юзланди:

— Бошлиқ бўлиш осонмас. Бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Агар катталаринг шунни маъқул кўришаётган бўлса — бу катта гап.

Музаффар отасининг гапларини диққат билан тинглар, ота эса сўзида давом этарди:

— Ўғлим, амалдорнинг нафс синдиради. Халол ва тўғри бўлсанг, ғанимларинг ҳам бўлмайди. Бўлганда ҳам қўлидан ҳеч иш келмайди. Теракдай тўғри ўсгин, тўғри ўсган терак иморатга устун бўлади. Қий-шиғи эса — ўтин.

Қисқаси, отанинг гаплари Музаффарнинг юрагини чўлғантирди. Меҳр билан ишга қаришди. Югуриб-елиб ишлади.

Тумандаги почта раҳбарлари қарашса, ёш йигитнинг қадам олиши бинойидек. Оёқ-қўли қаҳқон. Лекин олдиндаги ишлар анча масъулиятли эди. 36та кишлоқ, 8та мактаб, яна Тўпаланг сув омбо-

ри ишчиларига хизмат қилиш катта меҳнатни талаб этади. Айниқса, 70 чакирим узокликдаги тоғ қишлоқларига хат-хабар, газета ва журналларни етказиб бериш анча машаққатли эди.

Шу боис «Фарҳод» алоқа бўлими кенг қўламдаги ишларнинг уддасидан чиқарадиган бошлиққа ёлчимасди. Кўплари икки йилга етмасдан ариза ёзиб кетишарди.

...1989 йил. Туман почта тармоғининг мажлислар зали одамлар билан гавжум. Энг илғор почта ходимларига мукофот топширилаётди.

Почта бошлиғи Музаффар Бобоевга «Фахрий ёрлик» топшираркан, шундай деди:

— Бундай ўйлаб қарасам, «Фарҳод» алоқа бўлимининг бирор киши яқин орада мукофот билан тақдирланмаган экан. Табриқлайман, қаддигини ур!..

Дарҳақиқат, 25 минг кишига хизмат кўрсатадиган алоқа бўлимининг шикоят-аризасиз бошқаришининг ўзи бўлмайди. Буни билган тушунади.

— Алоқа бўлими бошлиғидан ёлчиганми, — дейди Тўпаланг ГЭС қурилиши бошлиғи Абдуғани Сангинов. — Масъулияти чекланган жамиятимизнинг ўзиде 1200 нафар ишчи бор. Уларнинг барчаси газета-журналларга обуна бўлишган. Узок бу манзилга хат-хабарлар, газета-журналлар ҳеч кечикмай келади.

Хуллас, ҳалол меҳнат, ишчанлик Сароисийё туманидаги «Фарҳод» алоқа бўлими бошлиғи Музаффар Бобоевга обрў келтирди.

Шухрат ҚОДИРОВ
Сурхондарё вилояти

WCG 2005 Uzbekistan Preliminary SAMSUNG

CHAMPIONAT KLUBLARI

Buxoro shahrida
Navoiy, Xorazm, Qashqadaryo viloyatlari, Qoraqalpog'iston davlati o'ynaydilar
Game Zone klubi
Manzil: 6 mikrorayon, Farq'ly ko'chasi, 30 uy
e-mail: game-zone-6m@rambler.ru
tel: (8-365) 222-14-72

Namangan shahrida
Andijondan geymerlar o'ynaydilar
Sardob klubi
Manzil: Navoiy ko'chasi, 4 uy
Sardob bo'soni yonida
tel: (8-3652) 26-32-55
e-mail: txbibbina@mail.ru

Farg'ona shahrida
Andijondan geymerlar o'ynaydilar
Saylex klubi
Manzil: T. Qambarov Marifat ko'chasi, 45 uy, 5 korpus
e-mail: saylex@intul.uz
tel: (8-3732) 24-12-15, 24-12-16, fax: 24-79-59

Samarqan shahrida
Surxondayo, Jizzax viloyatlaridan geymerlar o'ynaydilar
"Faron" klubi
Manzil: Mirzo Ulug'bek ko'chasi, 96 (mo'ljal agrouniversitet yonida)
ten: (3662) 34-33-99

Toshkent shahrida klublar
Elite klubi
StarCraft®: Brood War™
Manzil: Amir Temur ko'chasi, 1 (Amir Temur muzeyida)
tel: 132-02-07
Free Connect klubi
Half-Life™: Counter-Strike 1.6
Need for Speed 2: Underground
Manzil: Yunusobod tumani, Muhtozoyev ko'chasi, 47
tel: 135-27-08
Magic Touch klubi
WarCraft® III: Frozen Throne
Manzil: Kosmonavtlar shoh ko'chasi, 29-a uy
tel: 167-61-78, 152-51-71

WCG 2005 Uzbekistan Preliminary rasmiy o'yinlari:

WarCraft® III: Frozen Throne - 12 yoshdan kata o'yinchilar
StarCraft®: Brood War™ - 12 yoshdan kata o'yinchilar
Half-Life™: Counter-Strike 1.6 - 1988 yil 16 noyabrgacha tug'lgan o'yinchilar
Need for Speed 2: Underground-yosh cheklanmagan.

Do'shimcha axborotlar **www.wcg.uz** saytdan olish mumkin

Тошкент ахборот технологиялари университетида изланувчан, эркин фикрлайдиган ва мустақиллик гояларига содиқ ёшларни тарбиялашга йўналтирилган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими ва кенгашлари, маънавият клублари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қасаба уюшмаси ва Хотин-қизлар кўмиталари, Мураббийлар кенгаши, турли спорт ва техника шўъбалари ҳамда бадий ҳаваскорлик тўғраклари билан биргаликда амалга оширилади.

Билим масканида Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, Билимлар кўни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун, Ватан ҳимоячилари кўни, Халқаро хотин-қизлар кўни, Хотира ва Қадрлаш кўни, га, шунингдек, кўлаб мутафаккирлар ҳамда атоқли наомёнларимизнинг таваллуд кўнларига бағишланган тантаналарни ўтказиш, факултетлараро "Талаба баҳори" ва "Иқбол", "Энг яхши мураббий", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг намунали талаба", "Энг яхши гуруҳ", Талабалар уйида эса "Энг яхши кават", "Энг яхши ўғил болалар хонаси", "Энг яхши қиз болалар хонаси" каби кўрик-танловларни ташкил этиш одат тусига айланган. Буларни ўтказишдан мақсад миллий урф-одат ва анъаналаримизни, қадриятларимизни ривожлантирадиган, ҳар томонлама етук, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашдир.

Университетда ҳар янги ўқув йилида машғулотлар «Мустақиллик дарслари» билан бошланади. Бу дарсларни университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари олиб боради. 10 сентябр кўни 1-босқичга қабул қилинган талабаларнинг «Талабаликқа қабул» қасамёди кечаси бўлиб ўтади. 1 октябрда эса «Устозлар ва мураббийлар кўни» анъанавий умумхалқ байрами сифатида муносиб нишонланади. Байрам дастурхони тузатилиб, нафақадаги ўқитувчилар таклиф қилинади, уларга совғалар улаштилади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни ва оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилади. Шу кўни университетнинг Махсус факултети курсантлари ҳарбий марш ўтказишади.

Аёлларни улуғлаш — савобли иш. ТАТУда ҳам ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносиб нишонланади. Байрамга бағишлаб «Иқбол» қизлар кўрик-танлови ўтказилади. Ҳар йилгидек ушбу йилда ҳам Зулфияxonим таваллудига бағишланган «Зулфияxonим қизлари» танлови бўлиб ўтди.

Университетда Наврўз байрамига тайёргарлик қириш ва ўтказиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Байрамдан олдин университет ҳовлиси ва Талабалар уйи атрофида ободонлаштириш ва кўкжаломдорлаштириш ишлари олиб борилади. Талабалар иштирокида сумалак пиширилади. Ушбу соҳоват ва меҳр-муруват байрами арафасида кам таъминланган талабалар ва ишчи-ходимлар, нафақадаги нурунийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. Шунингдек, университетимиз Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйининг 87-ёрдамчи мактабига режа асосида мунтазам равишда моддий ёрдам бериб боради.

Ўқув йили давомида Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги

маърузалари профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида ўрганилиб, белгиланган вазибалар бўйича махсус курслар ташкил этилади. Жумладан, жорий ўқув йилида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан гуруҳларда «Диний экстремизм ва

бошқариш тизими йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир қаватда талабаларнинг ўзидан сардорлар сайланган. Уларнинг иши эса қават мураббийлари томонидан назорат этиб борилади. Қават сардорлари оёлик маош билан таъминланган.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жинсочилик ҳамда диний экстремизм таҳдидининг олдини олиш бўйича бирмунча маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Юнусобод тумани ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда йиллик режа асосида Талабалар уйида ва университетда ойда бир марта «Ватан муқаддасдир», «Гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари», «Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда кўрилаган чора-

ри, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ижтимоий фикр» маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамда Тошкент Давлат маданият институти билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ривожлантириш — давр талаби» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилиб, «ТАТУ Талабалар уйида ўзини-ўзи бошқариш Низоми» тасдиқланган.

Бугунги бозор иқтисодиётида талабаларни ҳар томонлама

қил қилади. 2004 йилда 13915397 сўмлик 7956та янги китоб олиниб, кутубхона фонди янада бойитилди.

Ҳар йили «Ўзбектелеком» АКнинг вилоятлардаги филиаллари вакиллари билан ўша вилоятдан келиб тахсил олаётган талабаларнинг учрашувлари ўтказиб борилади. Бу бир томондан битирувчи талабаларнинг иш билан таъминланишига ёрдам берса, иккинчи томондан қасаба бўлган қизиқишларини янада қучайтиради.

Республикамиз мустақиллик эришидан кейин спортни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Университетимизда ҳам спортга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўқув биноси ва Талабалар уйидаги спорт ва тренажёр заллари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда мунтазам равишда футбол, волейбол, теннис, шахмат, шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилади.

«Универсиада-2004» мусобақаларида университетимиздан 9 нафар талаба — В.Источников, М.Маслова, Д.Сафонов, А.Цуняк, Т.Мирманов, Ф.Мазинова, А.Муродова, Р.Гайнутдинов, К.Файзиевалар муваффақиятли қатнашиб, олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлишди.

Университет профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ва талабаларнинг солиғини мустахкамлаш учун барча қулайликларга эга бўлган профилактория ташкил қилинган. 2004 йилда профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимларнинг талабаларига биноан Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ёрдамида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари федерациясига хат орқали мувожаат қилиниб, университетга тегишли «Хондайлик» спорт-соғломлаштириш оромгоҳига имтиёзли йўлланмалар олишга эришилди. Бунинг натижасида 40 нафар ходим фарзандлари билан биргаликда мазкур оромгоҳда дам олиб келиши. Шунингдек, университетнинг «Сигнал» санатория-профилакториясига ҳам маблағни Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши ижтимоий сурғурга ҳисобидан ажратди.

Олий ўқув юртимизда профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талабаларни мукофотлаш ва зарур ҳолларда уларга моддий ёрдам кўрсатиш университетининг қасаба уюшмаси томонидан бюджетдан ташқари маблағлар эвазига амалга оширилади. Жумладан, 2004 йил мобайнида кам таъминланган оилаларга 3023410 сўмлик, кам таъминланган, отаси ёки онаси йўқ талабаларга 1853500 сўм, янги оила қурган ёшларга 92320 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва талабаларнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун концерт ва театрларга университет ҳисобидан билетлар олиб бериш мунтазам йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, университетда маънавий-маърифий ишлар изчиллик билан олиб борилаётгани, бу ўзининг ижобий самараларини кўрсатяпти.

Неъматулла МҶМИНОВ,
ТАТУнинг Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича 1-проректори

Маънавий-маърифий ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда



терроризмга қарши» мавзусида 14 соатдан дарс ўтилди. 28 февралдан бошлаб эса гуруҳларда юртбошимизнинг Россия «Независимая газета»си муҳбирига берган «Империya даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» номи интервьюси, Олий Махлис ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи ва 7 февралдаги Оксаройда ўтказилган Сенатнинг янги аъзолари билан бўлган учрашувидаги нутқининг мазмун-моҳияти тўғрисида 8 соатлик семинар машғулоти ўтказилди.

Ишларнинг натижаси сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, университет талабалари олий ўқув юртлариаро ўтказилган «Мен келажик буюк давлатнинг фуқаросиман» иншолар кўрик-танловига фахрли ўринларни олишга сазовор бўлдилар.

Университетда маънавий-ахлоқий, тарбиявий фаолиятни янада тақомиллаштириш ва бугунги кунда республикамизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий аҳволдан келиб чиққан ҳолда қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан:

- Университет асосий биноси ва Талабалар уйида хавфсизликни таъминлаш мақсадида янги ўқув йилида ҳам хавфсизлик ходимлари билан ҳамкорликда навбатчилик ташкил этилди ва бу ўзини оқлаб келмоқда;
- Талабалар уйида университет раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг навбатчилик жадвали тузилган. Улар томонидан навбатчилик журналга куник фаолият акси эътирблиб борилади;
- Талабалар уйида ўзини-ўзи

тадбирлар», «Тинчлик энг буюк қадриятдир», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Шахс камолотида дин ва диний бағрикенглик», «Терроризм — аср вабоси», «Гиёҳвандлик — баркамол авлод душмани», «Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш» каби мавзуларда ўзбек ва рус тилларида суҳбатлар ўтказиб турилади.

Ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари ойда бир марта Талабалар уйида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳарайёларга бағишланган суҳбатлар уюштирилади. Маънавият кўнларида эса таниқли олимлар, психологлар, шоир ва ёзувчилар, атоқли фан, маданият ва санъат арбоблари билан мунтазам учрашувлар ташкил этилади. Жумладан, 2004-2005 ўқув йилида ҳам шоирлар Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллаев, Фарида Афрўз ва Бобур Бобомуродлар билан ўтказилган учрашуви ва давра суҳбатлари талабаларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «Демократия ва миллий анъаналар», «Илм-фан тарақиётида олимпиадаларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий конференциялар уюштирилди.

Университетда Президентимизнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан ташкилий-маънавий тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқа-

қўллаб-қувватлаш зарурлиги барчага аён. Шу боис ТАТУда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳомийлигида ётқохоналарда истиқомат қилувчи талабалар учун бепул тушиқ ташкил қилинган. Оқватнинг сифати қасаба уюшмаси кўмитаси, «Қамолот» ЕИХ кенгаши, Талабалар уйи ҳокимияти, декан ўринбосарлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.


Ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида ўтказиладиган «Маънавият кўни»да пойтахтимиздаги маданий марказларга, театрларга, музейларга, Самарқанд, Хива, Фурхоро каби шаҳарларга саёҳатларга бориш, маънавиятга алоқадор ҳар хил кечалар уюштириш ва спорт мусобақаларини ўтказиш, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти акс эттирилган ҳужжатли филмларни намойиш этиш режалаштириб олинган.

Билим даргоҳимизда устоз-шоғирд анъанаси шаклланган бўлиб, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундан ташқари, ўқув юртимиз бир неча йилдан буён «ЭКОСАН» халқаро ташкилотни билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2004 йилда «ЭКОСАН» вакиллари Оролўйи минақасидан келиб тахсил олаётган талабаларга 700000 сўмлик кийим-кечак ва совғасаломлар тақдим этди.

Университет кутубхонаси ҳам алоҳида ўқув залларига эга бўлиб, янги таъмирдан чиқарилди. Бу ерда 302 мингга яқин илмий ва бадий китоб мавжуд. Шулардан, ижтимоий соҳага тегишли китоблар 6500тани, бадий китоблар 11542тани таш-

Xabar

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 23 — 29 май кунлари учун



ДУШАНБА, 23

"Узбекистон" телеканали TV I
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.45 "Ташкилотим"

18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 "Святи тилисим", Телесернал
19.05 "Ушмат нематин бориди қадри"

17.00 "Давр" ҳафта ичига.
17.30 "Янги алоқа" почтаси.
17.50 Музыфильм.

19.35 "Тиббатнинг саноқли инновациялари".
20.20 "Суз беринг", Тоқ-шоу.
21.40 Кинофильм, "Жижиер ва Фрэнс".

8.05 Фильм "Звездные войны: Атака клонов"
11.00 Новости
10.50 Телесернал "Охота на Зоулуку"

9.50 "В Городе".
10.00 ВЕСТИ.
10.30 ВЕСТИ-МОСКВА.

9.25 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА ПЕРЕСИДКУ"

СЕШЕНБА, 24

"Узбекистон" телеканали TV I
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

11.45 Биржа ва банк баҳарлари.
12.00 Янгиликлар.
12.05 "Қизил гул", Музыфильм.

13.15 "Даллас", Телесернал.
14.00 Олимп маъназилари.
14.20 Интерфутбол.

18.00 Музыфильм.
18.10, 20.40 "Экспресс" теледастурлари.

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 "Умножающий печаль"

5.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

8.45 "Их мойди не сласти. Улици Курьюновского квартала"

ЧОРШАНБА, 25

"Узбекистон" телеканали TV I
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.40 "723.5" даражада бурнак остида"

13.00 Давр.
13.15 "Даллас", Телесернал.
14.00 "Кирозликлари саргуштар", Музыфильм.

18.10, 20.40 "Экспресс" теледастурлари.
18.30, 20.00, 21.00, 22.30 "Поитхат" аборот дастури.

8.00 "Доброе утро, Россия!".
7.45 Телесернал "Наежда улоатг уллоатг последней"

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 "Умножающий печаль"

5.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

9.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00 ВЕСТИ.

ПАЙШАНБА, 26

"Узбекистон" телеканали TV I
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

12.30 "Дустлик" студияси тележурнали: I. "Дурулришан".
2. "Парле ва франсе?"

19.30 "Азборот" (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЮНЛАР.

8.50 Эски албомдан.
8.55 Фильм.
9.00 Давр.

4.00 "Доброе утро, Россия!".
7.45 Телесернал "Наежда улоатг уллоатг последней"

5.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ"

7.30 "Хабарлар".
7.45 "Бодуре утро".

HUQUQSHUNOS MINBARI

SPORT, SPORT, SPORT

Сиз неча йиллардан буён корхонада ишлаб келасиз. Ўзингиздаги ишчанлик, қобилият, тажриба, маълумот, ишга бўлган муҳаббатни жуда юқори, деб ҳисоблайсиз. Қандайдир сабабларга кўра иш берувчи билан ўртангизда тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза ёзишингизни талаб қилишди. Агар ариза ёзиб бермасангиз, корхона раҳбари ташаббуси билан ишдан бўшатилишингизни, бунга бир қанча сабаблар топилиши мумкинлигини, шу билан бирга, раҳбар томонидан ишдан бўшатиладиган бўлсангиз, кейинчалик ишга киришингиз ҳам қийин бўлишини айтишди. Хўш, нима қилишингиз керак?

Сизни ишдан бўшатишса...

Бу ҳолатда кўпчилик ходимлар корхона раҳбари билан ортиқча тортишиб ўтиришни лозим топмайдилар ва ариза ёзиб, «ўз тақдири»ни ҳал этишни корхона раҳбарига ҳавола қилиб қўқоладилар.

Республикада сизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларингизни ҳимоя қилувчи ҳокимиятнинг мустақил тармоғи — судлар, жумладан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар фаолият юритишдан хабарингиз бор. Лекин, шунга қарамай, кўпчилик уларга қандай тартиб ва муддатларда мурожаат қилишни билмайди? Шунинг учун бизнинг тавсия ва маслаҳатимиз сизга маълум келадими, деб ўйлаймиз.

Амалиётдан маълум бўлишича, иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинган меҳнат шартномаси юзасидан ходимнинг норозилик даъво аризалари:

- ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилиши;

- ходимнинг меҳнат вазибаларини мунтазам равишда бузганлиги;

- ходимнинг ўз меҳнат вазибаларини бир мартаба кўпол равишда бузганлиги каби ҳолатлар бўйича бўлади.

Биз ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазибаларини бир марта кўпол равишда бузиши (МКНинг 100-моддаси, иккинчи қисми, 4-банди), деб кўрсатилиб, меҳнат шартномасини бекор қилинган ҳолатга тўхталиб ўтамиз. Корхонанинг ички меҳнат тартиби қондаларида бир марта кўпол равишда бузиш, деб топишга асос бўлувчи меҳнат вазибаларининг рўйхати берилиши шарт. Масалан, ижро интизомини бузиш, ишга узрсиз сабаблар билан чиқмаслик, ишга алкоғол, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиб келиш (бу ҳолат гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки тиббий хулоса билан тасдиқлангани лозим), корхона мулкнини ўғирлаш (ушбу ҳолат тасдиқланган бўлса), тарбиячилик вазибаларини бажараётган ходимнинг мажбур ишда ишлашни давом эттириши мумкин бўлмаган айрихалқий хатти-ҳаракатни содир этиши, корхона ходимларининг, шу жумладан, тартиббузарнинг ҳам ҳаёти ёки соғлиғига ҳавф туғдирадиган тарзда хавфсизлик техникасини, ишлаб чиқариш технологиясини кўпол равишда бузиб, ходим томонидан меҳнат мажбуриятларини бажармай, Ўзбеки-



стон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 баравари ҳажмида моддий зарар етказилиши, махфийлиги меҳнат шартномасида шарт қилиб қўйилган тижорат сирининг ходим томонидан ошқор қилиниши, бевосита пул ёки товар бойликларига хизмат кўрсатадиган ходим томонидан айбли хатти-ҳаракатлар содир этилиши (агар бу хатти-ҳаракатлар иш берувчи томонидан унга нисбатан ишончнинг йўқолиши учун асос бўлса) кабилар меҳнат вазибаларини кўпол равишда бузишлар рўйхатига киритилиши мумкин.

Шуни унутмангки, сизни ишдан бўшатиш ҳолатлари қонун ҳужжатларига тўла мос келиши шарт.

Сиз ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг яна бир асоси — бу сизнинг аризангиз бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 99-моддасига кўра, ходим иш берувчининг икки ҳафта олдин огоҳлантирган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Шуни ёдда тутингки, сиз билан тузилган меҳнат шартномаси ва корхонадаги ички меҳнат тартиби қондалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси билан яқиндан танишгингиз асосий кўмакчингиз бўла олади.

Энди ўзингизни гайриқонуний равишда ишдан бўшатишдан деб ҳисоблаб судга мурожаат қилишингиз лозим бўлганда, ёзилиши керак бўлган даъво аризаси ҳақида сўз юритамиз.

Биринчидан, даъво аризаси ёзиш ва унинг иловаларини тақдим этишингиз лозим бўлади. Даъво ариза бирор бир юридик маълумотга эга бўлган шахс, жумладан, адвокатлар томонидан ёзиб берилиши шарт эмас. Бу аризани ўзингиз қўлёзма тарзда ҳам беришингиз мумкинлигини унутманг. Хўш, даъво аризада қандай ҳолатлар акс эттирилиши керак?

Дастлаб ишлаб келган корхонанинг манзили қаерда жойлашганлигини аниқлаб олишингиз керак. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддаси талаби бўйича ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаролик ишлари жавобгар жойлашган тумандаги суднинг судловига тааллуқлидир.

Иккинчидан, даъво аризан-

гизда даъвогар сифатида ўзингизнинг исми, фамилиянгиз, яшаш манзилингиз ҳамда жавобгар (корхона, муассаса, ташкилот)нинг номи, жойлашган манзили ҳамда банк реkvизитлари кўрсатилиши талаб этилади.

Учинчидан, даъво талабининг қисқача атамаси, жумладан, ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун ҳақ ундириш тўғрисида, деб кўрсатилиши шарт.

Тўртинчидан, даъво ариза мазмуни ва талаби тартиб билан ёзилиши лозим бўлади. Масалан, қачон ишга кирганлигингиз, қайси лавозимда ишлаганлигингиз, қандай вазибаларни бажариб келганлигингиз, меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлган ҳолатлар. Аризангизда бошқа шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ёзишдан қочиб лозим. Кўпчилик ишдан бўшаган ходимлар томонидан корхона раҳбарини ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаши, ёлгон маълумотларни қайд этиши ҳам учраб туради. Шуни унутмангки, бундай ҳолат сизнинг даъво аризангизда ҳам учраса, жавобгар томонидан маънавий зарарни ундириш масаласи қарши даъво тарикасида кўйилиши мумкин.

Бешинчидан, даъво аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати. Даъво аризага яшаш жойингиздан маълумотнома, сиз билан тузилган меҳнат шартномасининг нусхаси, иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи, паспортингиз нусхаси ва бошқа судга берилиши зарур деб топган ҳужжатларингизни илова қилишингиз лозим бўлади. Шуни эсда тутингки, ишга тиклаш ҳақидаги ва иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризангиз бўйича судга мурожаат қилаётганнингизда ҳеч қандай давлат божини тўламайсиз.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхасини олганингиздан сўнг судга бир ой ичида мурожаат қилишингиз мумкинлигини унутманг. Агар сиз ушбу муддатни узр-сиз ўтказиб юборган бўлсангиз, ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ гайриқонуний бўлган тақдирда ҳам, сизнинг даъвоингизнинг рад этиш учун асос бўлиши мумкин. Узрли бўлса, бир ой ичида судга мурожаат қилмаганлигингизни асословчи тиббий маълумотнома, маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини даъво аризага илова қилишингиз лозим.

Жўрабек ҚОРАБОЕВ,
хуқуқшунос

АБДУЛЛА ЯНА ШОҲСУПАДА

Ўтган ҳафтада пойтахтимизда «Ўзбекистон» спорт мажмуида дзюдо бўйича Осиё чемпиони бўлиб ўтди. Унда қўтаамизнинг йигирма етти мамлакатидан 200дан ортиқ спортчи голиблик учун баҳс юритди.

Мусобаканинг биринчи кунинда Лазиз Йўлдошев ва Ўткир Саломовлар бронза медалини кўлга киритишди. Вакиллари-мизнинг ақсарияти биринчи босқичларданок Япониянинг тажрибали дзюдочиларига дуч келганлиги боис яхши натижа қайд этишолмади. Биргина Абдулла Тангриев муваффақиятли юриришни давом эттирди. У аввалига қатарлик Юсуф Алиназийни, кейинги босқичларда эронлик Мотаз Халлак ва қозғистонлик Вячеслав Бардугаларни мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Абдулла финалда жаҳон чемпиони, япониялик Хироаки Такахашига қарши гиламга чиқди. Маҳоратли курашчимиз-

га номдор рақибини енгиш учун кўп вақт кетмади. Бир дақиқаю 54 сонияда соф галабага эришган Абдулла спорт мажмуига йиғилган юзлаб мухлисларни хушнуд қилди.

Аёллар баҳсида кураш асосан Япония, КХДР, Хитой ҳамда Жанубий Корея дзюдочилари ўртасида кечди. Унда иштирок этган тўрт нафар спортчимиздан фақат Мария Шекирова оғир ва мутлак вазнларда маҳсу олиб бориб иккита бронза медалини кўлга киритди.

Шундай қилиб юртимизда илк бор ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида вакиллари-миз битта олтин ва тўртта бронза медалини кўлга киритишди.

ЦСКА – УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ

Чоршанба кuni УЕФА Кубогининг финал учрашуви ўтказилди. Унда Португалиянинг «Спортинг» жамоаси билан баҳс олиб борган Москвалик ЦСКА жамоаси Россиянинг бирор клуби қайд этмаган натижага эришди.

«Спортинг» – ЦСКА – 1:3

Голлар: Рожериу, 29 – Березудский, 57; Жирков, 66; Вагнер Лав, 75.



Аслида финал йўлланмаси кўлга киритилганининг ўзи Россия клублари учун рекорд натижа эди. Чунки ўз вақтида «Спартак» ҳам, «Локомотив» ҳам қўтаамизда ярим финалдан нарига ўтишолмаганди. Валерий Газзаев шогирдларининг финалда ҳам ажойиб ўйин намойиш этиб, кубонини кўлга киритишгани ҳақиқий шов-шув бўлди.

Уйиндан олдин «Спортинг»нинг имкониятлари яхшироқ баҳоланаётганди. Сабаби финал учрашуви уларнинг майдонда ўтиши аввалдан маълум эди. Колаверса, кучли рақибларни мағлубиятга учратиб, финалга қадар етиб келган португаллар ўз мухлислари олдида галаба қозонишга пухта ҳозирлик кўришганди.

Учрашунинг биринчи бўлими «Спортинг» устунлигида ўтди. Ҳисобни ҳам биринчи

бўлиб улар очиди. Рожериунинг узокдан йўллаган зарбасини Акинфеев бартараф этолмади. Бўлим охирида «армиячилар»да ҳисобни тенглаштириш учун яхши имконият пайдо бўлди. Бироқ москваликларнинг бразилиялик легионери Вагнер Лав дарвозабан билан юзма-юз чиқиб, гол ура олмади.

Иккинчи бўлим умуман бошқача кўриниш олди. ЦСКА қарши ҳужумлардан унумли фойдаланди ва уч бора муваффақиятга эришди. Ушбу галаба нафақат ЦСКАга УЕФА Кубогини тақдим этди, балки россиялик мухлисларга Португалия терма жамоасидан мағлубият аламини олиш имконини ҳам берди. Ёдингизда бўлса, Жаҳон чемпионати саралаш баҳсида Португалия – Россия учрашуви 7:1 ҳисоби қайд этилганди.

АЛОҚАЧИЛАР

РЕСПУБЛИКАДА ИККИНЧИ

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Кубоги учун мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

«Қорақалпоқ Телеком» филиали, Нукус шаҳар халқ таълими бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси (НХТБ), Республика футбол мактаб-интернати (РФМИ) ҳамда Халқ таълими вазириятининг «Ёшлик» жамоалари ўз гуруҳларида голибликни кўлга киритишди, ярим финалгача етиб келишди.

Ярим финал
«Қорақалпоқ Телеком» – НХТБ – 8:6

РФМИ – «Ёшлик» – 8:2

3-ўрин учун

НХТБ – «Ёшлик» – 3:2

Финал

РФМИ – «Қорақалпоқ Телеком» – 1:0

Ўз мухбиримиз

18-MAY — XALQARO MUZEYLAR KUNI

Ривоят қилишларича, қадимги Лидия шоҳи Крезнинг хазинаси илк музейлардан бири бўлган. Бадавлат Крез хорихдан келган элчиларга дастлаб хазинасини кўз-кўз қилар ва шу билан қудратини намойиш этар экан.

Асрлар мобайнида халқ яратган моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари хазина шаклидан аста-секин музей шаклида кўрсатила бошланган.

Ўзбекистонда биринчи музей 1876 йилнинг 12 июлида Тошкентда ташкил топган. Халқ уни "ажойибхона" деб атаганди. "Туркестанские ведомости" газетаси ўзининг 1912 йилги сонларидан бирида Тошкент оммавий музейи ҳақида шундай ёзган эди: "Маҳаллий тарих музейига аҳоли ўртасида қизиқиш кучли. Турли ёшдаги тўда-тўда кишилар билан музей биноси доимо гавжум. Айниқса, мусулмон ёшлари ўртасида музей экспонатларига қизиқиш зўр. Кўплар бу ерга бир неча бор келадилар."

Тошкент музейи экспонатлари 1890 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмасида, 1899 йили Тошкент фотография кўргазмасида намойиш этилди. 1900 йили Халқаро Париж кўргазмасида музей ўзбек халқи тарихига оид нодир буюмларни кўрсатди. Музейнинг катта этнографик кўргазмаси 1906 йили Италияда намойиш этилди. Туркистон тарихи, маданият ва санъат ёдгорликларини, ўлканинг кўҳна, ўзига хос обидалари ва табиий бойликларини намуналарини тўплаган музей ўлкашунослик ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Ўз фаолияти билан ўлкада янги музейлар тармоғини юзага келтирди: 1896 йили Самарқанд, 1899 йили Фарғона музейлари барпо этилди.

Тошкентлик олим Ақром Асқаров ажойиб тангашунос, ар-

холог ва ўлкашунос сифатида Тошкент музейининг фаолларидан бири эди. У Франциянинг Париж археологлар жамияти аъзолигига сайланган. Унинг тангалар коллекцияси айна дама Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач Тошкент оммавий музейи фаолиятида янги саҳифа очилди. Бугунги кунда йирик илмий-тадқиқот ва оммавий-оқаролиқ ўтмишимиз, бугунги раванкимиз ва порлоқ келажагимизнинг жонли ҳикоясидир.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг янги экспозициясида намойиш этилаётган ёдгорлик, ҳужжат, ашёвий далил ва тасвирий воситалар мамлакатимиз ҳудудидаги тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврларидан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётини белгилаб бериш билан

бирга юртимизнинг жаҳон тарихида тугган муҳим ўрнини ҳам яққол кўрсатади.

Музей экспозициясидан мамлакатимиз ҳудудидаги илк тош даври маданияти ва антик даври цивилизацияси жараёнига кенг ўрин берилган. Чунончи, турли маданият ўчоқларидан топилган қадимий осорлиқ атиқалар Бактрия ва Хоразм каби илк давлатлар тарихидан эътиборан аввалги намойишнинг биринчи мингйилликлари маданиятидан дарак берувчи ашёлар ҳам ҳеч қимми беэътибор қолдирмайди.

Музейда юртимизнинг кейинги тараққиёт босқичлари, хусусан, истиқлол йилларида эришган ютуқлари ёзув, турли-туман чизмалар, суратлар, рангтавиёр воситалари орқали намойиш этилган. Марказий паннода дунёнинг сиёсий харитаси ишланган бўлиб, ундан Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, Ватанимиз билан дипломатик муносабатлар олиб бораётган мамлакатлар хусусида кенг маълумот олиш мумкин. Зеро, мустақиллик шарофати туйғайли ана шундай шарафга — истибдоқ мафқураси тазийқи остида атайин бузиб кўрсатилган она тарихимиз саҳифаларини ҳолис, ҳалол ўрганиш, ёритиш ҳамда тарғиб этиш имкониятига эга бўлдиқ.


Тахририятдан: Ўзбекистон тарихи Давлат музейида алоқа соҳасига дахлдор экспонатлар жойлашган бўлим ҳам мавжуд. Унда 1928 йили ишлаб чиқарилган телевизион узатиш трубкиси, Грабовский томонидан 1928 йили Тошкентда икхиро қилинган биринчи телевизор кинескопи ва унга берилган патент, Тошкент телеиндорсининг 1981 йилда тайёрланган макети сақланади. Аммо бу экспонатлар соҳа тарихини тўлақонли очиб беролмайди. Музей ходимларининг таъкидлашларича, экспонатлар сонини ошириш имкони мавжуд. Фақат бунга соҳамиз вакилларининг кўмаги зарур.



хеолог ва ўлкашунос сифатида Тошкент музейининг фаолларидан бири эди. У Франциянинг Париж археологлар жамияти аъзолигига сайланган. Унинг тангалар коллекцияси айна дама Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач Тошкент оммавий музейи фаолиятида янги саҳифа очилди. Бугунги кунда йирик илмий-тадқиқот ва оммавий-оқаро-

КРОССВОРД



ЭНИГА:

5. Непал пойтахти. 6. Абдулла Қаҳорнинг машҳур асари. 7. Спорт тури. 12. ... овқат пайтида келади. 13. Кўқон хони Умархоннинг тахаллуси. 14. Стендал романи — "... ибодатхонаси". 16. Садриддин Айний асари. 17. "Калила ва ..." 18. Қалин дарахтзор. 19. Дўппи тури. 21. Мамлакат қуроли кучлари мажмуи. 25. Журналист асари. 27. Мехрибон, севувчи. 28. Бирор халқнинг келиб чиқиши таърифи. 29. Сирдарё irmoғи. 30. Самарқанд вилоятида жойлашган оромгоҳ.

БЎЙИГА:

1. Инжиклик, танतिकлик. 2. Сериал номи. 3. Жануби-ғарбий Африкада жойлашган давлат. 4. Тўпчи аскар (XIX аср, Россия). 10. Баҳор дарахчиси, қуш. 11. Ўсимлик тури. 14. Ҳиндистоннинг Бихар штати маъмурий маркази. 15. Суд идоралари тизими. 20. Чилангар иш қуроли. 22. Француз автомобили. 23. "Челси" футболчиси — ... Ярошек. 24. Гул тури. 26. ... де Сент-Экзюпери. 27. Хорижлик эстрада хонандаси.

Тузувчи: **Собит АҲАДОВ**

Табриклаймиз!

"Фарғона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабая уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал директори ўринбосари **Улугбек СУЛТОНОВ** ва **Олтиариқ телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар НОСИРОВНИ** таваллуд кунлари билан чин дилдан қутлайди. Уларга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, ишларида улкан муваффақият, хонадонларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ **Навоий филиали жамоаси Нурота почта алоқа тармоғининг Нурота 2-алоқа бўлими бошлиғи Адолат ХУДОЙҚУЛОВ**ни таваллуд топган кунини билан самимий муборакбод этади. **Унга соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт ва келгуси ишларида зафарлар тилаб қолади.**



МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Миродия САНГИЛОВ
Лutfило ТУРСУЛОВ (масъула котиб)
Раҳимжон ТУРГУНОВ
Алишер ХУҲАЕВ
Асрор ЭШОНХУҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Тахририятда келган кўёзма ва суратлар эътиборга қабул қилинмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин. Нашриятдан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. **Тижорий материал — ❌**
Реклама матнларининг тўғриликлиги учун мақола муаллифи масъулдир. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Маънавийлик: 700060, Тошкент-60,
Т. Шенченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz.

Газета тахририят компьютер базасида теринди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А.БҮРИЕВ.

458-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Алди: 7991 нусха.

Матн терувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.

Боснига топширилади — 20.00. Боснига топширилиши вақти — 20.00.